

Тасдиқлайман”

Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги

ИТХБ бошлиғи

А. Абдураимов

“12” 09 2022 йил.

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси масъул ходимларининг умумий йиғилиши

БАЁНИ № 03

“12” 09 2022 йил

Термиз ш.

Раислик қилди: А. Абдураимов ИС ва ЭБ бошлиғи

Қатнашдилар: Бошлиқ ўринбосари ва харид танлов комиссия аъзолари.

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-594- сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53- сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида ” ги ПҚ684-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида.

Кун тартибидаги масала бўйича бошқарма бошлиғи А.Абдураимов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-594- сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53- сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида ” ги ПҚ684-сонли қарори ижроси бўйича тузилган харид комиссия аъзолари қонун доирасидан чиқмаган ҳолда иш олиб бориш кераклигини айтиб ўтди.

2022 йил сўғориш даврида вилоятда сув танқислигини юмшатиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлашда амалга оширилаётган таъмирлаш ва тиклаш ишларини бюджет маблағлари ҳисобидан шартномалар тузиб расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш ва тузилган шартномаларни танлов асосида нарх навоси арзон , сифатли товарлар , ишлар ва хизматлар етказиб берувчи пудратчиларни аниқлаш ва пудрат шартномаларини тузиш ишларини амалга ошириш лозимлигини айтиб ўтди.

2022 йил сентябр ойида харид комиссиясен билан харид танловиға қуйидаги Сўғориш ва тик зах қочирини қудуқларидаги 13 дона ЭЦВ-10, 4 дона ЭЦВ-12 ва 4 дона ЭЦВ-8 маркали насосларни тубдан таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун савдо қўйиш лозимлиги айтилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳакама қилиниб харид комиссия аъзолари

Қарор қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги "Давлат бюджетининг газна ижроси тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги ПҚ-594- сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53- сонли "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида" ги ПҚ684-сонли қарори ижроси харид комиссияси тамонидан бажарилсин.
2. 2022 йил август ойида харид комиссиясининг ҳулосасига асосан қуйидаги Сугориш ва тик зах кочириш кудукларидаги 13 дона ЭЦВ-10, 4 дона ЭЦВ-12 ва 4 дона ЭЦВ-8 маркали насосларни тубдан таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун харидлар порталига танлов жойлантириш.
3. 2022 йил сугориш даврида вилоятда сув танқислигини юмшатиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлашда амалга оширилаётган таъмирлаш ва тиклаш ишларини бюджет маблағлари ҳисобидан шартномалар тузиб расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этиш ва тузилган шартномаларни танлов асосида нарх навоен арзон , сифатли товарлар , ишлар ва хизматлар етказиб берувчи ширкатларни аниқлаш ҳамда ширкат шартномаларини тузиб таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш учун шўловларни амалга оширилсинлар.
4. Ушбу қарорнинг бажарилишини ва ижросини таъминлашни Сурхон-Шерабол насос станциялар тизимбошлиги А. Қиличев зиммасига юклатилсин.

Баённома билан таништирилди.

1. Тизим бошлиғи:



А. Қиличев

2. ИЧТБ бошлиғи:



Х. Мирзаев

3. Бош ҳисобчи:

Ж. Абдуалимов

4. Ҳуқуқшунос



Г. Сафарова

5. 1- топфали муҳандис



А. Болтаев

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”
бошлиги

А.Абдураимов

“12” 08. 2022 йил

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаен”нинг
Сугориш ва тик зах кочириш кудукларидаги 13 дона ЭЦВ-10, 4 дона ЭЦВ-12 ва 4 дона
ЭЦВ-8 маркали насосларни тубдан таъмирлаш ишлари

буноча.

ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРИ

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”
руҳеат берувчи, лойиҳа ва танлов
ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бош
мутахассиси

Ташкилот номи

БАРЧА ТАЪМИРЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”
(Буюртмачи ташкилот номи)

ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВ ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ

Объект номи: Сугориш ва тик зах кочирини кудукларидаги 13 дона ЭЦВ-10, 4 дона ЭЦВ-12 ва 4 дона ЭЦВ-8 маркали насосларни тубдан таъмирлаш ишлари

Объектнинг бошлангич нархи– 80 000 000,00 сўм. (ККС сиз)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармаси”. (Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй). Тел 93-790-12-50.

Молиялаштирини манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ♦ Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала даёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ♦ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ♦ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.
- ♦ Танлов иштирокчилари танловда қатнашини тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси “Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ” га қўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
- ♦ Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ёшлик кўчаси 8-уй). Тел 93-790-12-50. Иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача.
- ♦ Тасдиқланган танлов ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича <http://xarid.uzex.uz/> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
- ♦ Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов эълонида чоп этилган куни ва вақтига қадар қабул қилинади. 2022 йил “19” сентябр куни порталда кўрсатилган муддатгача қуйидаги манзилда Термиз шаҳар Ёшлик кўчаси 8-уй, Тел 93790-12-50.

Эълон 2022 йил “12” сентябр куни <http://xarid.uzex.uz/> сайтида берилган.

“Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ЭБ”
бошлиғи:



А.Абдураимов

ЭНГ ЯХШИ ЭЛЕКТРОН ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

“Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ” номидан танловда иштирок этишга танлов иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлов таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Сугориш ва тик зах қочирини кудукларидаги 13 дона ЭЦВ-10, 4 дона ЭЦВ-12 ва 4 дона ЭЦВ-8 маркали насосларни тубдан таъмирлаш ишлари.

Объектнинг бошланғич нархи– 80 000 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: “Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ” (Термиз шаҳар Ёшлик кучаси 8 уй). Тел 93790-12-50.

Молиялаштириш манбаси: : туб таъмирлаш харажатлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонуни ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлов иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлов иштирокчиларига танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатилиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассаселик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Хар бир объект бўйича танловга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ хар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса танлов ҳужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирокчилари учун йўриқномада ақс этирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш мақсадида танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график киёми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига муружаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объектнинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек унинг график киёмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлов иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

Танлов иштирокчилари таклифлари ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда иш кунлари соат 8-00 дан 17-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчисига таклифларни тақдим этишнинг охириги муддати 2022 йил "19" сентябр кунин порталда белгиланган муддатгача қуйидаги манзилда: "Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ". (Гермиз шаҳар Ёшиллик кўчаси 8 уй), Тел 93790-12-50.

Электрон таклифларни юбориш танлов иштирокчисининг танлов ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

"Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги НС ва ЭБ"
бошлиғи:



А.Абдураимов